

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 255-ҳадис

31- **К**ишилар орасини ислоҳ қилиш баёни

31-боб

**Кишилар орасини ислоҳ қилиш баёни**

«К

«К

«К

«К

Аллоҳ таоло: **«Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан - агар садақа беришга ёки бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар - ҳеч қандай фойда йўқдир»** (Нисо сураси, 114-оят).

**«Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшироқдир»** (Нисо сураси, 128-оят).

**«Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнглаб қўйингиз!»** (Анфол сураси, 1-оят).

**«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки - оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар»** (Хужурот сураси, 10-оят), деб айтган.

255 - «К

127 0000 0000 1009 0 02989 0] .0000000 0000000000].

00000000000 00000000000 00000000 :«00000000000 000000000» 000000.

255. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Қуёш чиққан ҳар бир кунда одамларнинг ҳар бир бўғими учун садақа лозим. Икки киши ўртасида адолат қилиш ҳам садақадир. Бир кишига улови борасида ёрдам бериб, уни миндириб қўйиши ёки юкини ортиб бериши ҳам садақадир. Ширин сўз ҳам садақадир. Намоз сари босган ҳар бир қадами ҳам садақадир. Йўлдан озорни олиб ташлаш ҳам садақадир».**

*Муттафақун алайҳ.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

